

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “ХАМСА”СИДА ЎЗИНИНГ ХАРАКТЕР- ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЁРИТИЛИШИ

Яндашев Зикржон
Илмий раҳбар: Тўхлиев Б

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ҳақида кейинги йилларда матбуотда чоп этилаётган материалларда, асосан, унинг асарлари таҳлиliga кўпроқ ўрин бериляпти. Бироқ бу улуг зотнинг ўзига хос характери, унинг шахсияти ҳақида ҳамма яхши билади, дегани эмас. Биз у билан бир даврда яшамаган бўлсак, “унинг характер хусусиятларини қандай биламиз?” деган ҳақли савол туғилади. Мен ўз мақоламда у билан бир даврда яшаган устозлари ёки тендош дўстларининг у ҳақидаги фикрлари ёзилган асарлардан ва ўзининг ёзган баётларидан хулосалар чиқариб, унинг ўзига хос характерини ёритишга ҳаракат қилдим.

Навоийнинг “Вақфия”, “Хамса”, “Махбуб ул-қулуб” ва бошқа кўлаб асарларида биз у ҳақида билиб олишимиз мумкин. Мен Навоийнинг “Хамса”сидан кўпроқ фойдаландим.

Алишер Навоий “Хамса”си ўз устозларининг “Хамса”си даражасига чиқди.

Хожа (XVI) “Мақсад ул-атвор” достонини Низомий ва Навоий бешлигининг биринчи достонига жавоб тарзида ёзган. У Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Хотифий ва Навоийни хамсанавислар қаторида санаб ўтади¹:

*Раҳбари бу фанда Низомий эди,
Пир анга Хусраву Жомий эди.
Хатикий эрди бири ул қавмдин,
Бири Навоий эди билгил яқин.
Андаки тартиби калом эттилар,
Ҳар бири бир “Хамса” тамом эттилар.*

Туркий шоирлардан биринчи бўлиб хамсанавислар қаторига кўшилди. Навоийнинг “Хамса”си устозларининг асари билан бир қаторда саналиши ҳам бежиз эмас, унинг асари ҳам, ўзининг феъл атвори ҳам **намунали хурматга сазовор инсон** бўлган.

Хусайн Байқаро Навоийнинг “Хамса” яратишга оид факрлари ўз вақтида лофдек кўринган эди, бироқ Навоий ниятига эришди дейди: “Ул вақтки бу абёт анинг табъидин бош уруб эрди, эл қошида шоирона лоф ва модихона газоф кўрунур эрди. Ва алҳақ чун бу ҳумоюн фурсатда ва бу рўзафзун давлатда “Хамса” панжасига илик урди ва анинг итмомига жаҳд келтурди”²

Юқоридаги Байқаронининг сўзидан шу маълум бўладики, Навоий ўз берган сўзида турадиган, **лафзли** инсон бўлган. Яна шуни таъкидлаш керакки, у кўлидан келадиган ишни ваъда берган ва қиламан деган ишини қилган.

Хусайн Бойқаро қуйидаги фикрлари билан “Хамса”нинг ёзилиш муддатига алоҳида эътибор беради: “Агарчи шайх Низомий назм аҳлининг устодидур, ўз “Хамса”син маишхур маишхур будурким ўттуз йилда такмил берибтур. Ва мир Хисравким, “Хамса”абёти ададин ўттуз мингдин ўн саккиз мингга ихтисор қилибтурур ва шуҳрати мундоқ дурурким, олти-етти йилда тугатибдур.

...кўп афсоналарда дилпазир тафсирлар берди ва табъписанд ислоҳлар қилди, бунёдининг ибтидосидин саводининг интиҳосигача ҳамоно икки йил ўтмади ва айтилган авқот ҳисобиға кирса, деса бўлғайким олти ойға етмадиким, анинг афсоналари рангинлигин ва абёти сеҳройинлигин ва тирокиби матонитин ва маонийси латофатин мутолаа қилган киши билғай”³.

Хусайн Бойқаронининг сўзлуридан шу маълум бўладики, Навоий бошлаган ҳар бир ишига масъулият билан ёндошган. У ўз бошлаган ишини тез ва аъло даражада тугатишни ҳаракатини қилган ҳар доим.

¹ Эркинов А “Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV-XX аср боши)”Т.: ТАМАДДУН, 2018 – Б-156.

² Хусайн Бойқаро. Девон, рисола. Т.: Фан, 1968 – Б-164.

³ Хусайн Бойқаро. Девон, рисола. Т.: Фан, 1968 – Б-164

Алишер Навоий катта шеърӣ иқтидорга эга бўла туриб, “Хамса” ёзишга қирқ икки ёшида киришди. Шунда ҳам у ўзини ҳали Низомий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомийги нисбатан “шогирди бебизоат” (камхарж шогирд) деб ҳисоблар эди. Чунки, унинг фикрича, “Хамса”дек буюк ва мураккаб жанрда қалам тубратадиган шоир юксак шеърӣ истеъдоддан ташқари катта ҳаётӣ тажрибага ҳам эга бўлиши керак эди.⁴ Бу, албатта, ундаги **камтарлик ва одимийлик** белгиси ҳисобланади.

Навоий қуйдаги мисралар орқали форс тилини билмаган туркий халқлар “Хамса”нинг адабий ҳазиналаридан бебаҳра қолаётганлигини ифодалайди:

*Форсий билган айлади идрок,
Лек маҳрум қолдилар атрок –⁵*
яна бир ўринда форсий “Хамса”ни назарда тутиб шундай дейди:
*Чунки форсий эди нуқта шавқи
Озроқ эди анда турк завқи.⁶*

Алишер Навоийнинг юқоридаги мисраларидан кўриниб турадики, унинг қалбидан кучли афсусланиш мавжуд. Бу афсусланиш бежиз эмас, албатта. Навоий шундай буюк асардан туркийлар бебаҳра қолганидан шуни билишимиз мумкинки, у халқпарвар, ўз халқини севадиган инсон эканлигини ҳам билиб оламиз.

Навоийнинг ижодини ўрганишда унинг ўз ишига масъулият билан ёндашиши, оригиналикка интилиши кўзга ташланади:

*Бурун жамъ эт неким бўлғай таворих,
Борида иста фархунда тарих,
Топилғай шояд андоғ бир неча сўз,
Сўз айтур элга ул ён тушмаган кўз.
Ани назм этки, тарҳинг тоза бўлғай!
Улусқа майли беандоза бўлғай!
Йўқ эрса назм қилгонни халойиқ,
Муқаррар айламоқ сендин лойиқ⁷*

Навоийнинг байтидан ҳам шу маълум бўладики, Навоий оригиналика эришиш яъни асарида такрор бўлиб қолишидан қочиб, у дostonларни ёзишдан аввалги дostonларга киритилган образлар, воқeлар тарихини йиғиб, ўрганиб чиқиб, **масъулият билан** ўз ишини бошлаган.

Шу билан бирга Навоий юксак сурат билан ёзар, ўз фикрларини шеър билан ифодалашга жадал интилар экан, унга вақт етишмаётгандек, шеърларининг бадий савияси эса у кўзлаган даражада эмасдек туюларди⁸:

*Риштан авқот чу кўтоҳ эди;
Келмади ул навъки дилхоҳ эди.⁹*

Бу Навоийнинг ўзига, ўз ижодига **талабчанлиги** аломати эди.

Кичик изланишдан шуни хулоса қилиш мумкинки, Навоий ижодини ўрганиш билан, унинг ҳаётда масъулияти, лафзли, ўз ишига талабчан, халқпарвар, ўз юртини ва халқини севадиган, ўз халқдан ёрдами аямайдиган фидокор инсон эканлигини билиб оламиз. Бу изланиш биз учун камлик қилмади, албатта. Биз ёш тадқиқотчилар Навоийни кашф қилинмаган томонларини кўплигини инобатга олиб олдимизда қилинадиган иш кўплигига амин бўламиз.

⁴ А.Ҳайитметов. Навоийхонлик суҳбатлари. Т.: ЎҚИТУВЧИ, 1993 – Б.161

⁵ Алишер Навоий. “Хамса”. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960 – Б.454

⁶ Алишер Навоий. “Хамса”. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960 – Б.454

⁷ Абдуғафуров А “Буюк бешлик сабоқлари” Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1995 – Б.-12

⁸ А.Ҳайитметов. Навоийхонлик суҳбатлари. Т.: ЎҚИТУВЧИ, 1993 – Б.165

⁹ Алишер Навоий. Хамса. 142-бет.

Адабиётлар:

1. Эркинов А “Алишер Навоий “Хамса”си талқини манбалари (XV-XX аср боши)”Т.: ТАМАДДУН, 2018.
2. Хусайн Бойқаро. Девон, рисола. Т.: Фан, 1968.
3. А.Ҳайитметов. Наойихонлик суҳбатлари. Т.: ЎҚИТУВЧИ, 1993.
4. Алишер Навоий. “Хамса”. Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1960.
5. Абдуғафуров А “Буюк бешлик сабоқлари” Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1995 – Б.-12